

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



**10.00.02 – ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА ТАЯНЧ
ДОКТОРАНТУРАГА КИРИШ СИНОВЛАРИ УЧУН МАХСУС ИХТИСОСЛИК
ФАНЛАРИДАН**

ДАСТУР ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Самарқанд – 2022 й.

Аннотация:

Дастур 10.00.02 – Ўзбек адабиёти ихтисослигига кирувчилар учун 5A220101 – Адабиётшунослик (Ўзбек адабиёти) мутахассисликларини 2019 йилда тасдиқланган ўқув режасидаги асосий фанлар асосида тузилди.


ТУЗУВЧИЛАР:

Ҳасанов Ш.А.

СамДУ, Истиқлол даври адабиёти ва адабиёт назарияси кафедраси мудир, филология фанлари доктори, профессор

Сулаймонов И.И.

СамДУ, Мумтоз адабиёт тарихи кафедраси мудир, филология фанлари доктори, доцент.



Дастур Филология факультетининг 2022 йил 29 августдаги № 1 сонли Кенгаш йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИ
фани бўйича:

Адабиётшунослик фани ва унинг таркибий қисмлари (ўзига хос хусусиятлари, ўрганилиш тарихи, 4 таркибий қисми). Ўзбек халқ оғзаки ижодининг ўзига хос хусусиятлари, жанрлари, таниқли намояндлари. (Халқ оғзаки ижодининг ёзма адабиётдан фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятлари, жанрлари (достон, терма, аския). Фозил Йўлдош ўғли, Исломо шoir, Эргаш Жуманбулбул, Пўлкан ва уларнинг қатор истеъдодли давомчилари.). Қадимги миф ва афсоналар.(Митра, Қаюмарс, Жамшид, Эллибек, Рустам, Суёвиш, Афросиёб ҳақидаги асотир ва афсоналар. Уларнинг ўрганилиш манбалари. Уларда қадимги аждодларимиз тарихи ҳаётига оид маълумотларнинг берилиши.) Адиб Аҳмад Югнакий ва унинг «Ҳибатул ҳақойик» асари (А.Югнакий ва унинг «Ҳибатул ҳақойик» асари. Навоийнинг «Насойим ул - муҳаббат» асарида адиб ҳақидаги фикрлар. «Ҳибатул ҳақойик» - панднома характеридаги асар. Асар шакли).

Мавлоно Лутфий - шoir ва достоннавис. (Мавлоно ҳақида А.Навоийнинг фикрлари. Девони. «Зафарнома» достони. «Гул ва Наврўз» достони борасидаги мунозаралар.) Мураббаъ ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Муқумий мураббалари. (Мураббаъ – мусамматларнинг шаклий хилларидан бири. Арузнинг энгил вазнларида ёзилади. Мураббаъ шакли.Аҳмад Яссавий, Машраб ва бошқаларнинг мураббаъ жанридаги ижоди. Муқумий мураббаъ шеър устаси.) Тазкиранавислик ва унинг адабий танқид тарихидаги аҳамияти. (Навоийгача яратилган тазкиралар.«Мажолис ун – нафоис» туркий тилдаги дастлабки тазкира. Нисорий, Малехо, Мутрибий, Возеҳ каби тазкиранавислар. «Тазкираи Қаюмий» замонавий тазкира). Анбар Отин шеърятчи (Анбар Отин маърифатпарвар шоира. Шоиранинг лирик асарлари, ҳажвий ғазаллари, пурҳикмат қитъа ва якка байтлари. «Қаролар фалсафаси» рисоласи.) А.Навоийнинг «Хайрот ул – аброр» достони. (А.Навоийнинг «Хайрат ул – аброр» достони: фалсафий ижтимоий ахлоқий достон. Достон ҳамд, наът, хайрат, мақолат, хикоят ва тамсиллардан иборат. Достон мавзуи инсон ва унинг манфаатлари, ахлоқи ва ўзлигини таниш. Асарда илоҳийлик ва дунёвийлик талқинлари). «Бобурнома» - тарихий эсдалик асар. («Бобурнома» - мемуар жанрининг буюк намунаси. 1484-1529 йиллар воқеа ходисалари. Марказий образ – Бобур. Асарнинг хорижий тилларга таржима этилиши.) Оғаҳийнинг тарихий ва таржима асарлари. (Оғаҳий моҳир тарихчи ва таржимон. Хоразмнинг 1813 йилда 1872 йилгача бўлган тарихни ёритувчи 5 та ҳамда мусулмон шарқида машҳур бўлган шoir ва адибларнинг асарлари таржимасидан иборат 19 та асарнинг муаллифи.) Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони. (Достонидаги ҳикоятлар. «Баҳромун Гуландон» бош қолипловчи ҳикоят. Асардаги биринчиси мусофир ҳикояти. Ижобий ва салбий тимсоллар. Достонда инсонпарварлик ғояси.) Атоий ғазалиёти. (Адиб ҳақида Навоий келтирган маълумотлар. Шоирнинг кўлзма девони. Ишқий – тасаввуфий мавзуларнинг ғазалларида етакчи ўрин тутиши. Ғазалларининг вазни ва

ундаги ошиқ-маъшук ва агёр образлари. Адиб ижодида мажоз ва бадиият.) А.Навоийнинг «Фарход ва Ширин» достони. (Мажозий ишқ мавзудаги дoston. Достонда Фарход, Ширин, Шопур, Меҳинбону образлари орқали шоирнинг гуманистик қарашларини акс этиши.) Абдурауф Фитрат ҳаёти ва фаолияти. (Фитрат – жадид мактабининг йирик вакили. Чет эллардаги ҳаёти. «Сайҳа» биринчи шеърӣ тўплами. Унинг лирикаси.Мунозара», Хинд сайёҳи» асарларининг ёзилиши. Фитратнинг сиёсий ва маърифатпарварлик фаолияти. Хожанинг ҳаёти ва адабий мероси.(Хожа - моҳир хикоянавис.Унинг саройдаги фаолияти. Хожанинг «Гулзор», «Мифтоҳул адл» асарлари.) Увайсий ҳаёти ва ижоди. (Жоҳон Отин Увайсий (1790 - 1850) Умархон ҳукмронлиги даврида аввал Марғилон, сўнг Қўқонда яшаб ижод этган шоира.Девони «Воқаяти Муҳаммад Алихон» – тарихий манзумаси. «Шаҳзода Ҳасан» ва «Шаҳзода Хусан» дostonлари.Ғазал ва чистонлари.) «Қутадғу билиг» – туркий халқлар адабиётининг йирик обидаси. (Асар XI – XII асрлар ўзбек дидактик адабиётининг йирик намунаси. «Қутадғу билиг» асарининг шакли, вазни, тимсоллари.) Саккокийнинг ғазал ва қасидалари. (Саккокий қасиданавис. Улуғбек Мирзо мадҳига ва ўша даврнинг нуфузли кишиларига бағишланган қасидалари.) Турди мухаммаслари.(Турди Фароғийнинг беш мухаммаси. Тўртгаси туркий, биттаси Саъдий ғазалига ёзилган тазмин. Субҳонқулихон ҳақида ҳамда «Туркий мухаммаси»да танқидий ҳамда хасби холлик руҳи.) А.Навоийнинг «Ҳазойин ул-маоний»си таркиби.(А.Навоийнинг «Ҳазойин ул-маоний» буюк шоирнинг лирик асарлари мажмуаси. Асар 4 қисмдан иборат. «Ғаройиб ус-сиғар», «Наводир уш шабоб», «Бадонъул васат», «Фавоид ул-кибар».16 хил жанрдаги лирик асарлар келтирилган. Асрада ғазал етакчи ўрин тутади. Турди ҳаёти ва ижоди. (Турди XVII аср ўзбек адабиётининг ўзига хос намояндаси. XX асрнинг бошида асарларининг топилиши: 18 та шеъри – 12 та ғазал, 5 та мухаммас, 1 та фард. Адиб ижодида ижтимоий мавзу). Қитъа ва рубойларнинг шаклий – поэтик хусусиятлари. (Қитъа ва рубойлар кичик лирик жанрлардир. Сарбанд мисрадан иборат. Қофия тартиби қитъада ба-ва-га, рубойда а-а-б-а, а-а-а-а (таронаи рубойи) арузнинг хазаж баҳрида ёзиб келинган: қитъада вазн чекгараси йўқ. Навоий, Бобур, Хувайдо, Мунис, Огаҳий, Аваз қитъа ва рубойлари машҳур.) Муҳаммад Солиҳ ва унинг «Шайбонийнома» дostonи.(XVI аср аввалларида Шайбонийлар сулоласига асос солинди. Шайбонийхон 1510 йилгача ҳукмронлик қилган. «Шайбонийнома» – тарихий дostonида Шайбоний юришлари ифодаланган.) «Мажолис ун-нафоис» ва «Мезон ул-авзон» ўрта аср адабиётшунослигининг муҳим намуналаридан («Мажолис ун нафоис» - адабий тазкира. Тазкира 8 мажлисдан иборат ва 400 дан ортиқ салаф ва замондош шоирлар ҳақида маълумот беради. «Мезон ул авзон» ўзбек ёзма ва халқ оғзаки ижодининг вазнлари, хусусан аруз вазни ҳақидаги илмий асар.) Зокиржон Фурқат – маърифатпарвар шоир. (Фурқат (1859-1909) мустамлакачилик давридаги янгича маърифатпарварликда машҳур бўлган шоир, адиб, публицист. Адибнинг маърифатпарварлик қарашлари шаклланишида Тошкентнинг таъсири. Маърифатпарварлик мавзусидаги қатор манзумалари, мемуар

асарлари, шеърӣ ва насрий мактублари. Ўзбек-озарбайжон адабий алоқалари. (Икки туркий халқ ва уларнинг шоиру адиблари орасида дўстлик, қардошлик адабий алоқалар ривожланиб келган. Низомий, Навоий, Фузулий, Насимий, Лутфий, Хожа, Огаҳий, Фурқат кабиларнинг асарлари кўприк ролини ўтаган. Таржималар.) А.Навоий туюқлари ва унинг асосий белгилари. (Туюқ ва унинг асосий белгилари. Навоий туюқлари. Туюқ – туркий шеърӣга хос лирик жанр. «Рамали мусаддаси максур» вазнида ёзилади. Машраб шеърӣяти. (Машраб Наманганда таваллуд топиб, Қошғарда ва бошқа ўлкаларда бўлган.«Қиссаи Шох Машраб»да ривоят, нақллар, шоир асарлари келтирилган.1991 йилда девони тўлароқ холда нашрдан чиқди.) А.Навоийнинг «Садди Искандарий» дostonи. (Садди Искандарий» дostonи «Хамса»нинг бешинчи дostonи. Комил инсон, адолатли шоҳ ҳақидаги романтик образлар талқини. Искандар ва унинг атрофидаги донишмандлар тасвири. Достондаги Абу Саид, Тилла кампир, Баҳромгўр, Махмуд Ғазнавий, Лукмони Ҳаким ҳақидаги хикоятлар) Дурбек ва унинг «Юсуф ва Зулайхо» дostonи.(Достон-мавзуси Юсуф ва Зулайхо ишқи тарихидир. Достон инсон руҳининг , инсон маънавиятининг қомусидир. «Юсуф ва Зулайхо» дostonи ишқий-саргузашт, ахлоқий дoston. Андалиб каби шоирларнинг шу мавзудаги ижоди) ўзбек адабиётини даврлаштириш масаласи. (ўзбек адабиёти масаласини даврлаштириш тўрт даврга бўлиб ўрганиш тавсия этилган: қадимги маданият ва адабиёт, XII аср Шарқ уйғониш даври адабиёти, XII-XVI асрлар адабиёти, XVII-XIX асрлар адабиёти, миллий уйғониш даври адабиёти.) А.Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» дostonи. (Достондаги образлар. Мажозий ишқнинг ҳақиқий ишққа айланиши. Лайли, Қайс (Мажнун), Навфал образлари орқали тасвирланган ошиқликнинг умумий тимсоли. Қадимги маданиятни ўрганиш манбалари. (Муқаддас диний китоблар. «Таврот», «Инжил», «Забур», «Қуръон», «Авесто», «Бундашихон» ва бошқалар. Қадимги Юнон оссурий, Хитой араб сайёҳлари ва тарихчилари асарлари). Комил Хоразмийнинг адабий мероси. (1825-1899 йилларда ҳаёт кечирган. Феруз, Огаҳий, Табибий, Баёнийларга замондош шоир, ҳатот, таржимон, мусикачи. «Девони Комил»да 4000 байтга яқин ғазаллари, мураббаълари, мухаммаслари, мусаббаълари.Адибнинг «Қасидаи Наврўз» асари. А.Навоийнинг «Лисонут тайр» асари. («Лисонут - тайр» - тасаввуфий фалсафий дoston. Мажозий мазмун ва тимсолларга эга. Семург, Худхуд, Шайх Саногън ва бошқа кўп персонажлар тасвири бор. Етти водий тасвири Боязид Бистомий, Мансур Халлож, Жўнайд Боғдодий, Аттор кабиларнинг тасаввуфий қарашларининг Навоий томонидан давом эттирилган.) Исоқхон Ибра.нинг адабий ва илмий мероси. (Шоир, луғатшунос, тилшунос, тарихчи олим, саёҳатчи, матбаачи сифатида асарлар яратган. «Луғати ал ситта», «Жомеъ ул хутут, «Мезон ул замон», «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият» каби асарлар муаллифи). Самарқанд навоийшунослик мактаби. (Самарқандлик олимларнинг навоийшунослик тараққиётига қўшган ҳиссалари. Абдурауф Фитрат, Абдурахмон Саъдий, Садриддин Айний, Хоҳид Абдуллаев, Ботирхон Валихўжаев, Муслиҳиддин Муҳиддинов, Раҳмонқул Орзибеков, Шухрат Сирожиддинов каби олимларнинг хизматлари

ва илмий асарлари.) «Бобурнома»да Самарқанд тасвири. («Бобурнома»да Самарқанд тасвирига оид алоҳида фасллар берилган. Самарқанднинг қадимийлиги, номланиши, тарихий обидалари, қадамжолари, табиати, аҳолиси, боғу роғлари ҳақида олиму фузолалар ҳақида аниқ лавҳалар чизилган.) Мураббаъ ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Муқимий мураббалари. (Мураббаъ – мусамматларнинг шаклий хилларидан бири. Арузнинг энгил вазнларида ёзилади. Мураббаъ шакли. Аҳмад Яссавий, Машраб ва бошқаларнинг мураббаъ жанридаги ижоди. Муқимий мураббаъ шеър устаси.) А.Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асари. (Машойихлар, азизу анбиёлар, мутасаввуфлар ҳаёти, кароматлари улар ҳақидаги насрий асар.) А. Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонидаги образлар. (Севги достонидаги мажозий ишқнинг ҳақиқий ишққа айланиши. Лайли, Қайс (Мажнун), Нафал образлари орқали тасвирланган. Мажнун ошиқнинг умумий тимсоли. Лайли ишқ дардининг гўзал тимсоли.) «Гул ва Наврўз» асари ва унинг муаллифи. (Асарнинг Лутфийга нисбат берилиши. Кейинги йиллардаги изланишлар натижасида асарнинг Ҳайдар Хоразмий қаламига мансуб эканлиги. Бу ҳақда «Фунун ул-балоға» асаридаги маълумотлар. «Гул ва Наврўз» ишқий – қаҳрамонлик достони.) Аваз ўтар ва унинг адабий мероси. (Авазийёз – Аваз ўтар (1884 - 1919) Хоразмдаги ўзбек адабиётининг талантли намояндаси. Девонлар тартиб берган. 1984 йилда таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан «Сайланма»си чоп этилди. Ғазал, мухаммас, рубоий, «фалоний» туркумидаги қитғалари. «Халқ», «Тил», «Уламоларга», «Сипоҳийларга», «Хуррият» каби шеърлари машҳур.) Туюқ жанри ва Бобур туюқлари. (Туюқ туркий халқлар шеърятига хос жанр. Тўртликлар тарзида арузнинг «рамали мусаддаси мақсур» вазнида ишқий шўх мавзуларда ёзилган. Қофияларда кўпроқ тажнисли (омоним) сўзлар қўлланилган. Бобур ижодида туюқлар ҳамда қитға туюқлар.) Сайфи Саройи адабий мероси. (Сайфи Саройининг лирик шеърларидан намуналар. «Сухайл ва Гулдурсун» достони. «Гулистони бит туркий» Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» асарининг ижодий таржимаси. Асарда шоирларнинг ўрни, истеъдоди ҳақида жуда муҳим адабий-эстетик фикрларни баён этган. Адиб ижодида комил инсон ғояси.) Муқимий ҳаёти ва ижоди. (Муқимий (1850-1903) миллий уйғониш даври адабиётининг машҳур вакили, хассос, лирик шоир. Саёҳатномалар, шеърий ва насрий мактублар муаллифи. Муқимий сатираси ва мураббаълари.) Нодира ҳаёти ва лирикаси. (Комила, Нодира, Макнуна тахаллуслари. Девон тартиб берган икки тилли шоира. Ошиқлар ғазалхони Нодира (1792-1842) Умархон Амирийнинг умр йўлдоши. Муҳаммадшариф Сўфизода ижоди. (Таржимаи ҳоли, ҳажвий шеърлари учун шоирнинг «дахрий» деб эълон қилиниши, «Бизлар» шеъри. Унинг чет элларда бўлиши. Суфизода лирикаси. Маърифий шоир сифатида).

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЎЗБЕК АДАБИЁТИ фани бўйича:

Шукур Холмирзаев ҳикоялари. (Ёзувчининг илк ижоди. “Оғир тош кўчса” ҳикоялар тўплами, “Бодом кишда гуллади”, “Аросат”, “Озодлик” каби ҳикоялари. “Кимсасиз ҳовли”, “Фарзанд” каби кейинги йилларда ёзилган ҳикоялар таҳлили). 80-90-йиллар ўзбек прозаси (Бу йиллар ўзбек насри янги талантлар билан бойиди. Ш.Холмирзаев, Ў.Умарбеков, Ў.Хошимов, Х.Султонов, М.Дўст, Т.Мурод каби ёзувчилар ижод қилган. “Амир Темури”, “Шайтанат”, “Отамдан қолган далалар” романлари ҳақида.) Эркин Воҳидов ижоди. (Таржимаи ҳоли. “Тонг юлдузи” шоирнинг илк китоби. Классик традицион жанрларда ёзган шеърлари. “Дўст билан”, “Ёшлигим”, “Ҳофизга каби” ғазаллари таҳлили. “Ўзбегим”, “Инсон” каби қасидалари. Шоирнинг ҳажвий лирикаси). Абдулла Авлонийнинг педагогик фаолияти. (“Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим” дарсликлари, Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” каби асарлари). Маҳмудхўжа Бехбудий ҳаёти ва жадидчилик фаолияти. (Бехбудийнинг ёшлиги, чет элларда бўлиши, жадидчилик фаолияти. “Самарқанд” газетаси, “Ойна” журналлари. Абдулла Авлоний ҳаёти ва ижоди. (“Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” тўпламига кирувчи шеърлари. “Адвокатлик осонми?”, “Пинак”, “Биз ва сиз”, “Португалия инқилоби”, “Икки муҳаббат” сингари драматик асарлари.) Муҳаммадшариф Сўфизода ижоди. (Таржимаи ҳоли, ҳажвий шеърлари учун шоирнинг “дахрий” деб эълон қилиниши, “Бизлар” шеъри. Унинг чет элларда бўлиши. Суфизода лирикаси. Маърифий шоир сифатида.) Ғ.Ғуломнинг фалсафий поэзияси. (Шоир уруш даврида “Сен етим эмассан”, “Севиниш” каби шеърлар ёзди. Кейинчалик шоирнинг “Вақт”, “Пол Робгонга”, “Ливан озод бўлади”, “Она қизим Жамилага” каби фалсафий. Шеърлари.) 20-йиллар ўзбек поэзияси. (Ўзбек лирикасида ижтимоий мотивлар талқинининг етакчи ўрнига чиқиши. Ҳамза ва Айнийлар шеърятига давр воситаларига муносабат. Чўлпон, Фитрат кабилар шеърятига юрт озодлиги мавзуси. Янги авлод ижодкорларининг адабиётга кириб келиши.) Абдурауф Фитрат ҳаёти ва фаолияти. (Фитрат – жадид мактабининг йирик вакили. Чет эллардаги ҳаёти. “Сайха” биринчи шеърий тўплами. Унинг лирикаси. Мунозара”, Ҳинд сайёҳи” асарларининг ёзилиши. Фитратнинг сиёсий ва маърифатпарварлик фаолияти. А.Ориповнинг достонлари. (“Ҳаким ва ажал” достонида Ибн Сино образининг берилиши “Ранжом” достонида турғунлик даврининг иллатлари фош этилиши. “Жаннатга йўл” драматик достонида маънавият масаласи.) Ҳамзанин “Бой ила хизматчи” драмаси. (Драмада тасвирланган давр. Бу асар ҳақида кейинги йилларда бўлиб ўтган баҳслар. К.Яшин томонидан асарнинг қайта тикланиши. Асардаги образларни танлаш. Асарнинг бадий хусусиятлари, тили.) Абдулла Қодирий ижоди. (Таржимаи ҳоли. “Бахтсиз куёв” пьесаси, “Улоқда”, “Жинлар базми”, “Тинч иш” сангари ҳикоялари. А.Қодирийнинг жадидчилик фаолияти. “Тўй”, “Аҳволимиз” каби шеърлари. “Муштум” ҳажвий тўпламидаги фаолияти. Калвак Маҳзум, Тошпўлат тажанд сингари образлар талқини). Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон шеърятининг. (Таржимаи ҳоли. “Адабиёт надир” номли мақоласи ҳақида. Чўлпон шеърятига озодлик ва эркинлик куйланиши. ўзбек хотин-қизлари озодлиги мавзуси, “Халқ”, “Кўнғил”, “Гул ва булбул”, “Бинафша” каби шеърлари.)

Абдулла Қаҳҳор қиссалари. (“Олтин юлдуз” қиссаси. Асарда Аҳмаджон Шукуров образи. “Ўтмишдан эртақлар” автобиографик қисса. “Синчалак”, “Муҳаббат”, “Зилзила” каби қиссалари.) ўткир Ҳошимов романлари. (“Нур борки соя бор”, “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар”, романларида инсонлар тақдири талқини). Ойбекнинг “Навоий” романи. (Тарихий – биографик роман. Турли ижобий ва салбий қаҳрамонлар. Навоий, Жомий, Бойқаро, Бехзод тарихий шахслар ва Тўғонбек, Арслон, Дилбар каби тўқима образлар.) Рауф Парфи ижоди. (Шоир шеърятининг жанр хусусиятлари. Европа шеърятининг “Сабр дарахти” шеърлар тўпламига кирган шеърлари тахлили Шоир шеърларида ўзига-хос, оригинал Метафораларнинг берилиши.) Ойбекнинг “Кутлуг қон” романи. (Роман ҳақида янгича қарашлар. Образларнинг янгича талқини. Мирзакаримбой образи. Асар Ойбек ижодида катта ўрин тутди. Асарда меҳнатқаш халқ вакиллари образи.) Саид Аҳмад ижоди. (Таржимаи холи. Ҳажвий ҳикоялари. “Чўл бургути” қиссаси. Уфқ” трилогияси. Қайта кўриш йиллари “Жимжитлик” романи яратилди. Романдаги Икромжон образи. Асар ҳақида А.Қаҳҳор фикри.) Аксад Мухтор романлари. (“Туғилиш” романи Бекобод металлургия комбинати ҳақида ёзилган асардир. “Давр менинг тақдиримда”, “Опа сингиллар”, “Чинор”, “Аму”, каби романлар ҳақида адабиётшуносларнинг фикрлари.) Зулфия дostonлари. (“Кўёшли қалам” дostonида Отабек образи. Шоиранинг “Хотирам синиклари” дostonи.) Комил Яшин драматург. (“Гулсара” пьесаси хотин – қизлар озодлиги мавзусига бағишланган. “Тор - мор”, “Ҳамза”, “Генерал Раҳимов”, “Йўлчи Юлдуз”, “Инқилоб тонги” асарлари. Уруш йилларида яратган “ўлим босқичларига”, “Офтобхон” номли асарлари.) М.Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедиясида ҳаёт ҳақиқати (асарнинг мавзуси, ғоявий мазмуни, асосий образлар тахлили.) А.Мухторнинг «Туғилиш» романи (саноат мавзуси, қурувчи ёшлар ҳаёти ва меҳнати; ёш Нафисанинг туғилиши, Лукмонча – бош қаҳрамон.) «Тобутдан товуш» - сатирик комедия (мавзу, асарнинг жанр хусусияти, порахўрнинг фош этилиши; Сухсуров, Нетай, Қори – сатирик образлар.) Абдулла Орипов дostonчилиги ҳақида («Жаннатга йўл», «Ҳақим ва ажал», «Ранжом» мисолида; мавзу, ғоя, образ: иллатларнинг фош этилиши). Ш.Рашидов «Кашмир қўшиғи» қиссасининг ғоявий – бадиий ва жанр хусусиятлари (мавзу, фольклор мотивлари, ғоялари, рамзий образлар: Наргис, Бамбур, Хоруд, Бўрон образлари). О.Ёқубовнинг «Адолат манзили» романида ҳаёт ҳақиқати (Ўзбекистонда 80- йилларнинг иккинчи ярмида бўлган қатагон тасвири: «Пахта иши», Суюн Бургут, Ветеран бобо образи). Саид Аҳмаднинг драматургияда образ яратиш маҳорати («Келинлар кўзгалони», «Кўёв» комедиялари, Фармонбиби, Ғани ота образлари). А. Орипов шеърятининг Амир Темур образи («Соҳибқирон» ҳақидаги драматик дostonи мисолида). А.Қаҳҳор мохир ҳикоянавис. («Ўғри», «Арслонбобо», «Тўйда аза» ҳикояларида ғоя, мавзу, образ, маҳорат) Зулфия шеърятининг асосий хусусиятлари (хотин – қизлар ҳаёти, тинчлик, дўстлик ғоялари, «Ўғлим сира бўлмади уруш» шеърининг тахлили) «Уч илдиз» (П.Қодиров) романида ёшлар образи. (Мавзу, ғоя, образлар:Маҳкам, Гавҳар, Очил, талабалар

образи). А.Қодирининг образ яратиш маҳорати. (Отабек ва Юсуфбек Ҳожи, Анвар ва Раъно образлари асосида). Ғафур Ғулом болалар ёзувчиси («Бари сенки», «Фарзанларимизга», «Шум бола» асарлари мисолида). Ҳамза драматургиясида хотин-қизлар образи.(Майсара, Жамила, Холисхон, Фотима образлари). Эркин Воҳидов ижодида ғазал жанри («Ёшлик девони», «Дўст билан обод уйинг» ва ҳ.к.). «Нурхон» ва «Гулсара» драмаларининг қиёсий тахлили (хотин-қизлар озодлиги мавзуси; Гулсара, Нурхон образлари ҳақида) Чўлпон шеърятининг асосий хусусиятлари (эрк, озодлик, халқ ҳақидаги шеърлари, «Халқ» шеърининг тахлили). Бехбудийнинг ҳаёти ва ижоди («Падарқуш» драмаси ва публицистикаси мисолида). Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” драмаси. (Драмадаги тарихий шахслар образи. Гули, Мансур каби тўқима образлар. Драманинг ўзбек адабиётида тутган ўрни.) Э.Воҳидовнинг дostonлари. (“Нидо”, “Палаткада ёзилган дoston”, “Рухлар исёни” дostonининг композицион хусусиятлари. Нурзул Ислоом образи, асарда ривоятларнинг ўрни ва аҳамияти). Мустақиллик ва ўзбек адабиёти масалалари. (Ҳозирги адабий жараён.) Одил Ёқубов ижодида замонавий мавзу. (“Диёнат”, “Оқ қушлар оппоқ қушлар”, “Адолат манзили” романларининг яратилиши. Улардаги образлар характеридаги хусусиятлар. Бу асарларда руҳий тасвирларнинг берилиши). Шайхзода-драматург. (Уруш йилларида “Жалолидин” номли драма ёзди. Кейин “Мирзо Улуғбек” трагедиясини ёзиб жуда машҳур бўлди. Асарда Улуғбекнинг характери, психологияси ҳолати маҳорат билан берилган. Саид Обид, Пири Зиндоний, Абдулатиф, Бобо Кайфий сингари образлар талқини.) А.Қаҳҳор романлари. (“Сароб” романи. Асардаги Саидий образи. Унинг сароб ҳаёллар натижасида фожиали ўлими. “Кўшчинон чироқлари” романида коллективлаштириш масаласи.) 60-70-йиллар драматургияси (Ишлаб чиқариш ва мафкурага доир асарлар. “Парвона”, “Парвоз”, К.Яшиннинг “Инқилоб тонги”, А.Қаҳҳорнинг “Аяжонларим”, “Тобутдан товуш”, Ғ.Ғуломнинг “Тошболта Ошиқ” драмалари ёзилди). Урушдан кейинги йиллар ўзбек адабиёти (“Синчалак”, “Ғолиблар”, “Болалик”, “Ўқитувчи”, “Кўшчинон чироқлари”. Адабиётда “Конфликтсизлик назарияси”нинг ҳукм суриши. А.Орипов ижоди. (Таржимаи холи. “Митти юлдуз” тўпламига кирган дастлабки шеърлари. “Онажон”, “Рухим”, “Юзма-юз” ва “Ҳайрат” каби шеърининг тўпламлари. Таржима асарлари).

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. Дарслик. 2- китоб. – Т., 1980.
2. Абдурауф Фитрат Буюк бешлик сабоқлари, Тошкент:, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.
3. Абдурауф Фитрат. Адабиёт қоидалари, Тошкент:, Ўқитувчи, 1995
4. Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик, 1991-1999.
5. Аристотель. Поэтика. Тошкент, 1978.

6. Атоуллоҳ Хусайний. Бадоеъ усь-санойиъ, Тошкент, Ғ.Фулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, Тошкент, 1974.
7. Бобоев Т. Шеър илми таълими- Т., «Ўқитувчи», 1996.
8. Бобур . Мухтасар, Тошкент, 1976.
9. Буало. Шеърӣй санъатлар. Тошкент, 1978.
10. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиёти тарихи (ХУ асрнинг биринчи ярми). 1- қисм; Ўзбек адабиёти тарихи (ХУ асрнинг иккинчи ярми) II қисм. Қўлланмалар, Самарқанд, 2002.
11. Валихўжаев Б., Тоҳиров Қ. Ўзбек адабиёти тарихи (ХУI аср), қўлланма, СамДУ нашриёти, 2002 й.
12. Ғиёс ул луғот. Жилд 2, Душанбе, 1988.
13. Жумаев Нусратулла. Мунис ғазалиёти. Тошкент, 1990. (Бадий маҳорат асалалари).
14. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Тошкент, 1980.
15. Исҳоқов Ё. Навоӣй поэтикаси. Т., 1983.
16. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр – Ўзбекистон, 2009. – 448.
17. Қаюмов А. П. «Тазкираи Қаюмӣй», 1-3 жилдлар, 1998.
18. Муҳиддинов М. «Комил инсон адабиёт – адабиёт идеали». – Тошкент: Маънавият. – 2005.
19. Муҳиддинов М.Қ, Асроров А.А. Алишер Навоӣй «Хамса» сида маънавий пок инсон талқини. – Самарқанд, 1991, 3-42 б.
20. Муҳиддинов М.Қ. Нурли қалблар гулшани. Монография. – Т: Фан, 2007.
21. Орзибеков Р. Туяқ поэтикаси, Тошкент, Ўзбекистон, 1985.
22. Орзибеков Р. Ўзбек адабиёти тарихи (миллий уйғониш даври) , қўлланма- С. 2003.
23. Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. Тошкент, Фан, 1976.
24. Орзибеков Р. Ўзбек шеърӣяти жанрлари. Ўқув қўлланмаси 1-2 китоблар, Самарқанд, 1998, 1999.
25. Орзибеков Р. Ўзбек шеърӣятида сирли – синкретик жанр ва шакллар. Самарқанд, 1992 (маърузалар матни).
26. Орзибеков Р. ХIХ аср ўзбек адабиёти тарихи (I-II қисмлар), қўлланма, 2001, 2002.
27. Орзибеков Р. Шеърӣй санъатлар таҳлили. Қўлланма (Бакалавр ва магистрлар учун)
28. Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат (Атоӣйнинг поэтик маҳорати), Тошкент 1995 й.
29. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. Хўжанд, 1972; Шеър санъатлари, Тошкент 2001.
30. Рустамов А. Навоӣйнинг бадий маҳорати. Тошкент, Фан, 1991.
31. Салоҳӣй Д. Навоӣйнинг эпик шеърӣяти. – Самарқанд, 2011.
32. Тўйчиев У. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик, 2-жилд, Лирика, Тошкент, Фан, 1993.
33. Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. Тошкент, Фан, 1985.

34. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари-Т., 1997
35. Ҳайитметов А. Ҳаётбахш анъаналар. Ғ. Фулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, Тошкент, 1974, 15-53 бетлар.
36. Ҳаққулов И. Шеърӣят- руҳий муносаба. Т., 1989.
37. Ҳасанов С. Бобурнинг «Аруз рисоласи» асари. Тошкент, 1988.
38. Ҳоҷиаҳмедов А. Аруз назарияси асослари. ТошДУ, 1982.
39. Ҳоҷиаҳмедов А. Шеърӣй санъатлар ва мумтоз қофия. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Тошкент, 1998.

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТАЯНЧ
ДОКТОРАНТУРА ИХТИСОСЛИКЛАРИГА КИРИШ СИНОВЛАРИ
УЧУН МАХСУС ФАНЛАРДАН ДАЪВОГАРЛАРНИНГ
БИЛИМЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Синов топшириш шакли	Ўзма
Ажратилган вақт	120 дақиқа
Саволлар сони	5
Ҳар бир савол учун белгиланган балл	20
Максимал балл	100
Ўтиш бали	55